

Қаерда бўлсанг ҳам Аллоҳга тақво қил | Сийрат дарслари (366-дарс)



19:00 / 13 февраль 574

853. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким сиздан Аллоҳ номи билан паноҳ сўраса, паноҳ беринглар. Ким сиздан Аллоҳ номи билан (бирор нарса) сўраса, сўраганини беринглар. Ким сизни даъват қилса, ижобат қилинглар. Ким сизга яхшилик қилса, мукофотини беринглар. Агар уни мукофотлайдиган нарса топа олмасангиз, то «уни қилганига яраша мукофотладим» дегунингизча ҳаққига дуо қилинг», дедилар».**

Абу Довуд, Насоий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

854. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан вафотларидан уч кун олдин қуйидагини эшитдим: **«Бирортангиз, албатта, Аллоҳ аzza ва жаллага яхши гумон қилмасдан ўлмасин», дедилар».**

Муслим ривоят қилган.

855. Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: **«Қаерда бўлсанг ҳам Аллоҳга тақво қил. Ёмонликка яхшилиқни эргаштир. Бу уни ўчиради. Одамларга гўзал хулқ билан муомала қил»**, дедилар».

Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.

856. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан одамларни кўпроқ жаннатга киритадиган нарс ҳақида сўрашди. **«Аллоҳга тақво қилиш ва ҳусни хулқ»**, дедилар. У зотдан яна одамларни кўпроқ дўзахга киритадиган нарс ҳақида сўрашди. Шунда у зот: **«Оғиз ва фарж»**, дедилар».

Термизий, Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

Фарж – жинсий аъзо.

857. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эдим. Ансорлардан бир киши келиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салом берди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, мўминларнинг қай бири афзал?» деди. **«Уларнинг хулқи гўзалроғи»**, дедилар. «Мўминларнинг қай бири зийракроқ?» деди. **«Уларнинг ўлимни кўпроқ зикр қилгани ва унга яхшироқ тайёргарлик кўргани. Ана ўшалар зийраклардир»**, дедилар».

Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.